ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 8.08

«ДАРХОН» ГАЗЕТАСИ ВА ЧЎЛПОННИНГ ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТИ

Д.З. Абдуллаева, И.А. Мадгазиев, С.И. Исломова

Мақолада «Дархон» газетасининг таъсис этилиши, Чўлпоннинг мазкур газетадаги журналистик фаолияти хусусида сўз юритилган. Унинг газета билан боғлиқ фаолияти қатор манбалар – хотиралар, архив ҳужжатлари ва газета материаллари асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада Чўлпоннинг яширин имзо ва тахаллуслари, халқаро аҳвол хусусида рус тилидан таржима қилган хабар ва имзосиз мақолалари, Чўлпон публицистикасининг тил ва услубий ўзига хосликлари каби масалаларга ҳам урғу берилган.

***Калит сўзлар**: «Дархон», газета, публицистика, муҳаррир, услуб, мақола, архив ҳужжати, таржима, имзо, таҳририят.*

В статье освещается о становление газеты «Дархон» и журналистская деятельность Чулпана в ней. Деятельность Чулпана, связанная с газетой, изучена на основе ряда источников – воспоминаний, архивных документов и газетных материалов. В статье также освещаются такие вопросы, как секретные подписи и псевдонимы Чолпана, краткие новостные сообщения и неподписанные статьи о международной ситуации в переводе с русского языка, а также лингвистические и стилистические особенности журналистики Чолпана.

***Ключевые слова:** «Дархон», газета, публицистика, редактор, стиль, статья, архивный документ, перевод, подпись, редакция.*

XX аср ўзбек матбуоти тарихида ўзига хос ҳодиса ҳисобланувчи «Дархон» газетаси фаолияти, унинг миллий журналистикамиз ривожланишида нечоғлик муҳим ўрин тутганлиги улуғ адиб ва шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг улкан хизматлари натижасидир. Шу боисдан «Андижон шаҳар ва уяз инқилоб-ҳарб шўроси ва инқилоб қўмитасининг фикр тарқатқучиси» ҳисобланган «Дархон» газетасининг таъсис этилиши билан боғлиқ тарихий жараён, унинг ўша давр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Дархон» газетасида кечган журналистик ва ижодий фаолиятини ўрганиш чўлпоншуносликнинг долзарб муаммоларидан саналади. Айни зарурат мавжуд тарихий манбалар – архив ҳужжатлари, газета материаллари, хотира ва эсдаликлар устида жиддий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Маълумки, Фарғона водийси, айниқса, Андижон, Марғилон, Ўш уездларида «босмачилик» ҳаракати авж олган бир пайтда совет ҳарбий қўмондонлиги мазкур ҳудудларда ҳарбий ҳолат эълон қилади ва шу билан бир қаторда фавқулоддаги бошқарув органларини ҳам қайтадан ташкил этади. Айни пайтда «Босмачилик» ҳаракати етакчилари билан ўзаро тинч музокаралар ўрнатиш, уларга сиёсий, ғоявий-мафкуравий кураш йўлидан бориб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш сари қадам ташланади. Зеро, бундай тарихий шароитда Андижонда ижтимоий-сиёсий, ҳарбий барқарорликни ўрнатиш давр талаби эди. Шу мақсадда 1923 йилнинг май ойида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (ТурЦИК) ва Туркфронт Инқилобий Ҳарбий Кенгашининг (РВС) ташаббуси билан Андижонда «Дархон» номли газета чиқариш вазифаси белгиланади. Газета бош муҳаррирлигига Абдулҳай Тожиев тайинланади. Бироқ газета иши анчагина масъулиятли бўлгани боис, ўз-ўзидан унинг бор машаққатларини уддалай оладиган малакали ходим ҳам зарур эди. Эътиборли жиҳати шундаки, бунгача «Туркестанский голос», «Янги Шарқ», «РусТО», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Бухоро ахбори» каби ўнлаб матбуот нашрларида муҳаррир,

техник муҳаррир, адабий ходим, таржимонлик вазифаларида ишлаб суяги қотган 26 ёшли Чўлпоннинг бу борада катта тажрибага эга эканлиги нафақат адабий жамоатчиликка, балки юқори сиёсий доира вакилларига ҳам яхши маълум эди. Шу тариқа мазкур вазифага Чўлпон ҳар томонлама лойиқ кўрилади. Бу ҳақида у кейинчалик ўзининг ВКП(б) Ўрта Осиё бюросига йўллаган хатида ҳам тўхталиб, «...ТуркМИҚ ва Туркфронт ИҲКнинг командировкаси асосида» Андижонга борганлигини ва «газетанинг техник муҳаррири ва адабий ходими» сифатида фаолият юритганлигини, «газета ўз вақтида ғоят яхши фикрлар олган»лигини айтиб ўтган эди [1. Б. 63].

Газетанинг маслаги хусусида ўша пайтдаги Андижон Инқилобий Ҳарбий Кенгаши раиси ва «Дархон»нинг А.Тожиевдан кейинги масъул муҳаррири бўлган Исҳоқ Ғозиев кейинчалик журналист В.Рўзиматов билан суҳбатда унинг «Дархон» қандай газета эди?» деган саволига: «Дархон» босмачиликка қарши ғоявий кураш, бу борада халқ орасида кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот олиб бориш юкланган оммавий газета эди...» – дея жавоб берган эди [2. Б. 3].

Ҳақли бир савол туғилади. Ахир Чўлпон озодлик, ҳуррият куйчиси эди-ку?! Аввалданоқ истиқлол дардида куйиб-ёнган, ўз даврида «босмачилик» номи билан юритилган миллий озодлик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қараб келган, уларни қалбида алангаланган ҳуррият ташналик оловининг сўнгги шуълалари, кўнглидаги умид дарахтининг охирги кўм-кўк япроқлари деб биларди-ку?! Сўнгсиз саволларимизга китоблардан жавоб ахтарамиз: «Чўлпон Фарғона водийсида уруш ҳаракатларидан хонавайрон бўлган элни, даҳшатли очликдан қирилаётган гўдаклару қарияларни ўз кўзи билан кўради, айни пайтда, ҳозирги ҳолида миллий озодлик ҳаракати мақсадга олиб боролмаслигини, унинг элга фойдасидан кўра зиёни кўпроқ тегишини теран идрок қилади» [3. Б. 321]. Атоқли олим Н.Каримов эса бу борада қуйидагича фикр юритади: «Анвар пошонинг ўлимидан кейин босмачилик ҳаракати бир қадар сусайган ва пароканда ҳолга келган бўлиб, унинг давом эттирилиши тинч аҳолини ҳам, «босмачи»ларни ҳам ҳалокатга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун Чўлпон бу нозик ишга аралашишдан воз кечмаган. Лекин шунга қарамай, у қаердадир ўз виждонига қарши иш тутган ҳисоблаб, қаттиқ изтироб чеккан... Хуллас, Чўлпоннинг «Дархон» газетасидаги фаолияти унинг чекиниши, «сомон парча»га айланиши эмас, балки вазиятга тўғри баҳо беришининг натижаси эди» [4. Б. 204].

«Дархон» хусусида илк бор Зиё Саид ўзининг 1927 йилда чоп этилган «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870–1927)» асарида маълумот бериб, «Андижонда фронт сиёсий саркотиблиги томонидан босмачиликни тугатиш даврида чиқарилган» газетанинг «бепул тарқатилган»лиги, «босмачилик»ни тугатишда унинг тутган ўрни жуда катта» бўлганлигини қайд этади [5. Б. 76].

Шунингдек, андижонлик кекса журналист, «Дархон» мухбирларидан Абдували Мақсудий (1895–1977)нинг маълумот беришича, газета 1923 йил 27 июндан 29 августгача, яъни 2 ой муддат давом этган ва жами 17 та сони чиққан [6. Б. 4].

Абдулҳай Тожиев, Чўлпон, Боис Қориев (Олтой)дан иборат жамоа ходимларининг журналистик ва муҳаррирлик фаолияти ҳақида биринчи ўринда газета саҳифаларидаги мақолалар, хабарлар орқали маълумотга эга бўламиз. Бундан ташқари газета идорасининг иш ҳужжатлари, идоралараро ёзишмалар, баённома ва бошқа турдаги маълумотномалар ҳам газета фаолиятини ёритишда муҳимдир. «Дархон» газетаси таҳририятига доир материалларни излаш давомида Андижон вилояти давлат архиви фондларида ўнлаб ҳужжатлар борлиги аниқланди.

Газета ходимлари нашрни сермазмун мақолалар, янги-янги хабарлар, хилма-хил бадиий лавҳалар билан бойитиш ҳаракатида бўлганлар. Бош муҳаррир А.Тожиевнинг Уезд ва шаҳар инқилоб ҳарб қўмитаси бошлиғи И.Ғозиевга йўллаган хати ҳам шундан далолат беради [7. Б. 156]. Бу хатда қўмита шўъбаларининг ҳар бири бўлаётган ва қилинажак ишлардан газетага ёзиб турилиши сўралган. Мазкур мурожаатга жавобан И.Ғозиев томонидан «Шўъба мудирларига! Буюрилсун бажо келтиришлик учун» деган резолюция қўйилган.

Юқорида айтилганидек, газета ташкил этилиши муносабати билан Чўлпон Тошкентдан Андижонга чақиртирилади. Унинг газетага масъул ходим этилиши билан ҳукумат томонидан айрим имтиёзлар берилганининг гувоҳи бўламиз. Уезд бошқармасининг бўлим мудири Абдураззоқов имзоси билан Чўлпонга Эски шаҳар амбулаториясига навбатсиз даволаниш учун йўлланма берилади [7. Б. 33]. Мазкур йўлланма газетанинг илк сони чиқиш санаси билан бир кунга тўғри келади. Шунингдек, Чўлпоннинг газета масъул котиби, Боис Қориевнинг эса газета ходими эканлиги ҳақидаги гувоҳномалар ҳам айни шу кунда – 27 июнда расмийлаштирилган [8. Б. 12; 14].

Маълумки, 20-йилларда Туркистон ўлкасида ижтимоий-сиёсий вазият, тинчлик барқарор эмас эди. Чўлпоннинг «Дархон»да ишлаб турган вақтида нотинч вазиятларни кузатган ҳолда, ҳар хил хавф-хатарлардан сақланиш учун Андижон ҳарб-инқилоб қўмитасидан вақтинча фойдаланишга тўппонча сўраб ёзган аризаси Андижон вилояти давлат архивида сақланади [9. Б. 1278]. 1923 йилнинг 15 июль санаси қайд этилган ушбу аризага жавобан ўша вақтдаги муваққат раис Ёрмуҳаммад ўғли томонидан «бир дона тўфонча топиб берилсин» дейилган. Н.Каримовнинг ёзишича, мазкур ариза қаноатлантирилиб Чўлпонга қўмондонлик томонидан «Браунинг» русумли тўппонча берилади [10. Б. 295].

Газетанинг «босмачилик» ва унинг тугатилишига қаратилганлигини эътиборга олсак, унинг мавзу йўналиши ва мундарижасини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин бўлади. Газета саҳифаларида, асосан, Андижон ва унинг атрофида содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалар – тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатлар тафсилоти, халқ турмуши ва аҳволи, қишлоқ хўжалиги ва савдо билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар, ҳукумат қарор ва фармойишлари, халқаро майдондаги ўзгаришлар ҳақида материаллар «Расмий бўлим», «Шаҳримизда», «Шикоят қутиси», «Андижонда маориф ишлари», «Жазо маҳкамаларида», «Турли хабарлар», «Ўлкамизда», «Марказда», «Фарғонада», «Андижонда», «Қишлоқларда», «Чет элларда», «Шарқ», «Ғарб», «Нари беридан», «Адабиёт», «Илм-фан», «Шўролар бирлигида», «Сўнг хабарлар», «Босмачилиқ билан кураш», «Фарғонада очлиқ», «Ҳукумат ёрдами», «Поездларнинг қатнаши» каби рукнлар орқали бериб борилган. Шунингдек, газетада эълон ва билдиришларга ҳам мунтазам ўрин берилган бўлиб, бу ўз навбатида унинг халқ ичига янада яқинроқ кириб боришига хизмат қилган.

Газета ҳақидаги маълумотларга кўра, у таъсис этилишиданоқ вақтинчалик нашр ҳисобланган. Унинг «Андижонда ҳозирға ҳафтада 2-3 мартаба чиқатурғон, сиёсий ва ижтимоий газета» эканлигига таянадиган бўлсак, 1923 йилнинг 27 июнидан бошлаб, ўша йилнинг август ойи охирига қадар камида 20–30 атрофида сонлари чиққан бўлар эди. Бироқ газета чоп этилишининг мунтазамлиги ҳам ўзгариб турганлигини кузатамиз. Бунга ўз ўрнида турли сабаблар кўрсатилади. Масалан, газетанинг 15 август 14-сонида «Ўқуғучиларимизға» сарлавҳали мурожаатнома берилиб, унда: «Ҳарф тергувчиларимиздан биттаси ишчилар факултаси талабаси бўлғани учун ўқушиға кетиб, яна бири касал ётқани учун газетамизни ҳозирға вақтинча ҳафтада 2 мартаба чиқариб турмоқға мажбур бўлуб қолдиқ. Ул жиҳатлар ўнгланғандан кейин яна 3 мартаба чиқара бошлағаймиз» дейилади [11. Б. 1]. Газета шу вақтлар мобайнида ҳафтасига 2 мартадан чиққан бўлса, август ойининг охирига бориб, ҳафтада бир мартадан нашр этилган. Айни пайтда яна бир жиҳат эътиборга молик. Чўлпоншунос олим Д.Қуронов шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган китобида «Дархон»нинг сентябрь ойида жами 18 та сони чиқиб тўхтаганлигини қайд этади [12. Б. 20]. Агар ушбу маълумот ўз тасдиғини топадиган бўлса, яъни унинг сентябрь ойида чиққан охирги сонлари излаб топилса, газета фаолиятини, унинг мазмун мундарижаси кўламини янада чуқурроқ таҳлил қилиш имкони пайдо бўлар эди.

Газета адади дастлаб 1000 нусха бўлган бўлса, кейинроқ 1200, 1500, баъзан эса 2000 нусхага етган. Ададнинг ортиши газетхонлар аудиторияси секин-аста кенгайганлигини кўрсатади. З.Саид [5. Б. 76] ва Н.Каримов [13. Б. 195] қайд этганидек, газета «бепул» эмас, балки пулли бўлган. Бу ҳар бир соннинг

бош саҳифаси чап бурчагидаги «баҳоси 1 сўм», баъзи сонларида эса «2 сўм» дейилган эскартмалардан маълум бўлади.

Даставвал «Андижон шаҳар ва уяз инқилоб-ҳарб шўроси ва инқилоб қўмитасининг фикр тарқатқучиси» ҳисобланган газетанинг бош муҳаррири Абдулҳай Тожиев бўлган бўлса, июль ойи охирида унинг Тошкентга чақириб олиниши муносабати билан бу вазифа Андижон уезд ревкоми раиси Исҳоқ Ғозиевга топширилади ва газетанинг 1 август 11-сонидан бошлаб «Фарғона музофотининг инқилоб-ҳарб шўроси ва Андижон шаҳар ва уяз инқилоб қўмитасининг фикр тарқатқучиси» эканлиги кўрсатилган ҳолда давом этади.

Газета гарчи қисқа муддат (салкам уч ой) давом этган бўлса-да, унинг нашр қилиниши ва тарқалиши ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Н.Каримовнинг ёзишича: «Дархон» чойхоналар, карвонсаройлар, бозорлар, масжиду маҳалла-кўйларда қўлма қўл бўлиб ўқилган» [13. Б. 205]. Мазкур нашр ҳукумат томонидан «босмачилик ҳаракати»га қарши курашиш учун ташкил этилганлигига қарамай, унинг саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларига оид хабарлар, маълумотлар, эълонлар, шунингдек, ўша давр ҳаётидаги муаммо ва масалаларни акс эттирувчи мақолалар бериб борилган. Унинг саҳифаларида адабиёт, санъат, маданият, илм-фан, маорифга доир мақолалар ҳам кенг ўрин олган.

Маълумки, жадид адабиёти бошқа давр адабиётларидан ижодкорларининг кўп тахаллус ва имзоларни қўллагани билан ҳам кескин ажралиб туради. Мазкур ҳолат, бир томондан, давр матбуотида ҳукм сурган урф билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ўзига хос эҳтиёт чораси ҳам эди. Бу тахаллуслар ва имзолар кимга тегишли эканлиги ҳақида ҳужжатли далиллар эмас, балки кўпроқ оғзаки хотираларга асосланган ҳолда аниқлаштириш ҳолатлари ҳам турли муаммоларни келтириб чиқарган. Ўша даврда қўлланган адабий тахаллуслар ҳақида Боис Қориев (Олтой) илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1967 йил 1-сонида эълон қилинган «Адабий тахаллуслар ҳақида» номли мақоласида ушбу масалага тўхталиб ўтган. Муаллиф аввалги матбуот нашрларини бирма-бир варақлаш, шахсий хотираларни тиклаш ва изланиш-суриштиришлар натижасида аниқланган тахаллуслар билан бирга аниқланмаганларини ҳам келтирган ҳолда, ўша давр вақтли матбуотида учрайдиган адабий тахаллуслар луғатини шакллантиради; уни шартли равишда уч қисм (доимий, ўткинчи ва қисқартирилган)га бўлади ва ҳар бир қисмни алифбо тартибида беради [14. Б. 51].

Чўлпон ижодида юқорида санаб ўтилган тахаллус ва имзоларнинг уч тури: доимий (Чўлпон, Абдулҳамид Юнусов, Абдулҳамид Сулаймон, «Ҳамид Сулаймон»), ўткинчи («Андижонлик», «Қаландар», «Шумгиёҳ», «Меҳмон») ҳамда қисқартирилган («А.С.», «Қ», «Ч») шакллари учрайди. Шунга ўхшаш, бошқа тахаллус ҳамда имзоларнинг қайси ижодкорга тегишлилиги даврий нашрнинг ўзида, таҳририят ҳужжатларида қайд қилинган бўлса ёки шоир ҳаётлигида нашр қилинган тўпламларидан ўрин олган шеърларида қўлланган бўлсагина аниқ ишонч билан Чўлпонники ёки ўзга жадид адабиёти вакилиники дейиш мумкин бўлади. Масалан, «Дархон» газетасини оладиган бўлсак, унда Чўлпоннинг «Шумгиёҳ», «Чўлпон», «Анжанлик», «Қаландар», «Меҳмон», «А.С.», «Қ.» каби тахаллус ва имзоларини учратишимиз мумкин. Булар ичида «Меҳмон» имзосига эътибор қаратсак. Даставвал унинг Чўлпонга тегишли эканлиги ҳақида профессор Р.Шамсутдинов маълумот беради ва ушбу имзо остида чоп этилган «Унимлик зиёфат» ҳамда «Бир Пўстин» мақолаларини келтириб ўтади [1. Б. 116–119].

Андижон вилояти давлат архивида олиб борилган изланишлар вақтида Чўлпоннинг Андижон ревкоми раиси Исҳоқ Ғозиевга 1923 йил 20 августда ёзган алоқа хати эътиборимизни тортди. Оддий қора қаламда Чўлпон дастхати билан ёзилган ушбу хат ортида ҳам айни шу дастхат билан ёзилган, бироқ устидан тартибсиз чизиқлар тортилган матн мавжуд эди. Матнни жорий имлога ўгириш асносида айрим жиҳатлар эътиборга олиниб, унинг юқорида айтиб ўтилган «Бир Пўстин» сарлавҳали мақоланинг қоралама нусхасидан парча эканлиги тахмин қилинди. Айтиш лозимки, газетанинг 18 августдаги 15-сонида босилган ушбу мақола матни қўлёзма матн нусхаси билан ўзаро қиёсланиши натижасида

ҳар иккала вариант график шакллантирилиши, сўз ва сўзшаклларнинг ёзилиши, тиниш белгиларининг қўлланилиши жиҳатидан ҳам айнан бир хил эканлиги аниқланди [15. Б. 573]. Шу билан бир қаторда қўлёзма матн устига яроқсизликни билдирувчи тартибсиз чизиқларнинг тортилиши эса яна бир жиҳат, ўша даврдаги оғир иқтисодий тақчиллик, яъни давлат муассасаларида, таҳририятларда ҳам қоғознинг етишмаслиги, ҳар бир ходим мавжуд вазиятни эътиборга олган ҳолда тежамкорликка қатъий амал қилганлигини кўрсатади.

Шунингдек, «Дархон» саҳифаларида босилган материалларни ўрганиш асносида ундаги имзолар ва уларнинг таснифи масаласига айрича эътибор қаратилди.

Газетанинг қўлимизда мавжуд 17 сони бирма-бир жиддий кўздан кечирилганда, ундаги мақолалар ўз йўналиши характеридан келиб чиқиб остидаги имзоларнинг қўлланилиш сабабига кўра: а) «очиқ»; б) «яширин» имзо турларига ажратилди. Ўйлаймизки, бундай таснифлаш ва тасниф натижалари янада яққол намоён бўлиши учун уларни қуйидаги жадвал кўринишида бериш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Очиқ		**Яширин**	
1	А. Аҳмад	1	Анжанлик (Чўлпон)
2	А. Акбарзода	2	Билол
3	А. Мақсудий	3	Бузрук
4	А. Мусаев	4	Ёлғуз
5	А. Содиқий	5	Ёш йигит
6	А. Тодорский	6	Ёш қалам
7	Боис (Қориев)	7	Кетманқул
8	Б. Кенжабой	8	Кунаш
9	Б. Қози ўғли	9	Матрўзи
10	Бузрук ўғли	10	Меҳмон (Чўлпон)
11	Д. Зубов	11	Темир тирноқ
12	Ж.Давронов	12	Тилчи (Боис Қориев)
13	З. Нусрат	13	Хабарчи
14	И. Николюдов	14	Чапан
15	Ирисбеков	15	Шавқий
16	К. Мирзо	16	Шодиқул
17	М. Юсуф	17	Шумгиёҳ (Чўлпон)
18	Муҳаммад Азим ўғли	18	Ўқуғучи
19	Муҳаммад ўғли	19	Қаландар (Чўлпон)
20	Н. Қодир ўғли	20	Қамчи
21	Низом ўғли	21	Қорабой
22	Олтунбой ўғли	22	Ҳаво
23	Охунжон ўғли	23	Ҳақиқатчи
24	Раҳмонжон ўғли	24	А.М. (Абдували Мақсудий)
25	Т. Раҳим	25	А.С. (Абдулҳамид Сулаймон)
26	Ф. Бурҳон	26	Б. (Боис Қориев)
27	Ф. Зокир ўғли	27	Нақ (Насриддин Қоризода)
28	Холид ўғли	28	М. (Абдували Мақсудий)
29	Чўлпон	29	Ш.М.
30	Ўрмон ўғли	30	Қ. (Чўлпон)
31	Ўрунбой ўғли	31	Қ.А.
32	Ҳасан ўғли	32	Ғ.
33	Ҳасанов	33	Ҳ.Қ.
34	Юсуф ўғли		

Айни пайтда «Дархон» саҳифаларида Чўлпоннинг жамоат ишларидаги фаолияти, хусусан, ўз мақсади йўлида оғишмай жидду жаҳд қилганлиги, юрт ва миллат «тараққийсиға чолишқан»лиги акс этган талай мақолалар мавжуддир.

Газетада фаолият бошларкан, Чўлпон маориф ва таълим масалаларига жиддий эътибор қаратади. «Дархон»нинг илк сонида унинг «Кўмак уйқуси» номли имзосиз кичик мақоласи босилади. Унда: «Андижон «Кўмак» уюшмаси ухлайдир. «Нашри маориф» ҳам тузулганидан бери ортиқ бир нарса қила олғани йўқ. Сўнгғи вақтдағи жонланишнинг асари бу уюшмаларда ҳам кўрилишига тегиш эди» – дея куюниб ёзади Чўлпон [16. Б. 3].

Биламизки, Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллат зиёлилари ташаббуси билан Туркистон ўлкасининг кўплаб шаҳарларида маорифга кўмаклашувчи, ўз номи билан «Кўмак» деб аталган уюшмалар тузилган эди. Бу уюшмалар ёшларни марказ ва хорижда таҳсил олишларига имкон яратиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бу борада амалий ҳаракатлар – турли хайрия тадбирлари уюштириш ва маблағлар йиғиш, саховатпеша инсонларни мазкур ишга жалб этиш кабиларни ўз олдига мақсад қилган эди. Зеро, айни вазиятда Чўлпондек миллат фидойиси ўз она шаҳридаги бундай уюшманинг қониқарсиз «фаолияти»дан норози бўлиши табиий эди, албатта. Шу боисдан бунга эътиборсиз қараб бўлмаслигини англаган ҳолда ўзининг ўткир қалами билан «ухлаётган», «ўлаётган» уюшмани «тиргузмак»га бел боғлайди. Ушбу масалага матбуот орқали маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик эътиборини қаратишга чоғланган Чўлпон тез орада ижобий натижаларга эришади. Буни газетанинг 11-сонида босилган Асрор Акбарзода исмли талабанинг «Бошқармага хат»и орқали билишимиз мумкин. Мазкур хатда «Тошкантда ўқуб турған андижонлиқ талабаларга Андижон Пахта қўмитасидан 5000, Марказ Деҳқонлар каператифидан 5000, Андижон Вақф шўросидан 2000 сўм» миқдоридаги маблағ Ҳайит байрами муносабати билан юборилганлиги ва «шул ҳайитликни берганларга ва уни тўплашқа ҳаракат қилған Чўлпон ўртоққа» ташаккур билдирилади [17. Б. 2].

Бу орада бутун ташаббусни ўз қўлига олгани ҳолда Чўлпон амалий ҳаракатларни янада кучайтиришга бел боғлаган кўринади. Зеро, Андижон вилояти давлат архиви 90-фонд, 1-рўйхат, 221-рақамли ишдаги Чўлпоннинг мазкур ҳаракатлари акс этган бир қатор ноёб ҳужжатлар шундан далолат беради. Булар: 1923 йил 4 августда бўлиб ўтган «Андижон шаҳаридаги масъул ишчилар, маориф ходимлари ва маорифсевар ёшларнинг Андижон маориф ишларини қарамоқ учун тўпланған ёппа йиғинларнинг пратакўли» [18. Б. 314–315] ҳамда шу йил 5 августдаги «Кўмак» камиссияси мажлисининг 1-сон пратакўл»лари [18. Б. 317–319] бўлиб, ҳар иккала ҳужжат Чўлпон дастхати билан ёзилганлиги жиҳатидан ҳам ғоят қимматлидир.

4 августдаги биринчи мажлис Фарғона музофот инқилоб қўмитаси раиси Алихўжаев раислиги, «Дархон» газетаси ишчиларидан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) саркотиблигида бўлиб ўтади ва кун тартибида қатор масалалар кўрилади. Даставвал Андижонда маориф ишларининг бориши тўғрисида маориф нозири ўртоқ Касаткин маърузаси тингланганидан сўнг: «Маориф назорати ҳақиқатдан жумҳуриятнинг энг ёмон молия танглиги вақтида ишлаган, шу учун албатта кўб нарса ишлай олмаған. Шундай бўлса ҳам Маориф назоратининг ўзини, бир неча тугал бўлмаған мактаблари билан бирга яшатиб келган. Назоратнинг фаолиятида кўрилган бир камчилиги: эски муаллимлар, эски маориф аҳлларини ўз теграсига тўплай олмағанидир. Андижонда маориф ишларининг тараққийламаслиғиға моддий жа(и)ҳат билан бирга шу жа(и)ҳат ҳам кўб сабаб бўлған»лиги таъкидланиб, кўпчилик томонидан бир овоздан «Маориф шўъбасининг ишлари унча ҳам қаноат қилғундай эмас» деб топилади ва 8 пунктдан иборат вазифалар белгиланади. Шундан сўнг кун тартибидаги иккинчи масала «Бошқа шаҳарлардаги талабаларга ёрдам тўғрисида» Чўлпоннинг маърузаси тингланади. Маърузадан сўнг мажлис аҳли «...шу кун ўлик ҳолида бўлған «Кўмак» уюшмасини тиргизмак ва умуман талабаларга ёрдам хусусида чоралар

топиб инқилоб қўмитасига арз қилмоқ учун» А.Сулаймон (Чўлпон), Н.Қоризода, А.Айюб, А.Шоҳаҳмадовлардан иборат комиссия сайлайди [18. Б. 314–315].

5 августда эса ушбу комиссиянинг Абдулҳай Айюб раислиги ва Абдулҳамид Сулаймон саркотиблиги остидаги 1-сонли мажлиси бўлиб ўтади. Унда 2 та асосий масала кўрилади. Булар: 1) «Кўмак» уюшмаси тўғрисида; 2) бошқа шаҳарлардаги талабаларга ёрдам ҳақида.

2-масала ҳам ўз навбатида 2 йўналишда: тезлик билан ёрдам ва доимий ёрдам чоралари сифатида кўрилади. Тезлик билан ёрдам бўйича: «Шаҳарнинг катта бир боғида тезлик билан яхши, кенг бир сайил қилиниб, сайил учун 7000 белат чиқарилсун. Белатнинг 6 минги уязнинг 6 районига берилиб, қолган минги шаҳарга қолсун. Бу ишга фирқа, союз ва ҳукумат ташкилотлари жалб қилинсун. Шулар орқали талабаларнинг кийим-бошлари ва бошқа хусуслар таъмин қилинсун» деб қарор қилинади.

Доимий ёрдам борасида эса: «…талабаларга-да умуман маориф ишларига ёрдам қилғучи бир маориф ширкати таъсис қилиниб, мазкур бозорлар умумий шароитга мувофиқ ўшал ширкатга берилсун;

- кейинча рефком орқали районларга имзо варақалар чиқарилиб, шулар бўйинча ёрдам йиғиб беришларини сўраб райрефком ва райкомларга ўртоқлиқ хатлари ёзилсун ва ҳам нуфузлик, эътиборлик кишилардан вакиллар чиқарилсун;

- рефком билан онглашиб: ё подшоҳлик ерлардан ё миллийлашдирилган ерлардан, ёки экилмай бўш ётқан ерлардан каттарак бир экинлик ер ажратилсун. Шул ерларга етарлик уруғни хлапком берсун. Куч «Қўшчи» союзидан бўлсун. Шу йўл билан талабаларга аталиб ер экилсун дейилади [18. Б. 317–319].

Мазкур баённома 11 августда Андижон инқилоб-ҳарб қўмитасига Чўлпоннинг «тасдиқ қилмоғингизни ва юзага чиқаришда кўмак қилмоғингизни сўрайман» деган илтимосномаси билан биргаликда тақдим қилинади [18. Б. 316].

Ушбу йиғин ва мажлисларнинг тафсилоти «Дархон»нинг 10 август 13-сонида Чўлпоннинг «Андижонда» рукнидан ўрин олган «Маориф ишлари», «Кўмак камиссияси ишда», «Талабаларга ёрдам тўғрисида», «Алихўжаев интернати» номли имзосиз ҳамда Олтойнинг «Тилчи» имзоли «Кенгаш: маориф ишлари тўғрисида» сарлавҳали мақолалари орқали тўлиқ ёритилади [19. Б. 3–4].

Шунингдек, газетанинг 13 июль 7-сонида «Қишлоқларда» рукни остида Чўлпоннинг «Қ» имзоси билан «Арслонбоб йўлидан» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Ушбу мақола орадан уч йил ўтиб А.Зоҳирий билан биргаликда «талабалар, ўқитғучилар ва умуман адабиёт севгучилар учун» дарслик-мажмуа сифатида тузилган «Адабиёт парчалари» китобида «Қишлоқдан хабар» номи билан қайта ишланган ҳолда нашр қилинган [20. Б. 10–15]. Хўш, ўз-ўзидан савол туғилади: Чўлпон нега бундай йўл тутди? Нима учун ёзувчи дарслик учун янги асар яратмай чоп этилган материални қайтадан бермоқда?! Бу тахлит турфа саволлар сабабли ҳар икки ижод намунасини ўзаро қиёслаб, Чўлпон кўзлаган мақсадни англашга интилиб кўрамиз.

Газетада босилган мақола вариантида ўз-ўзидан публицистик руҳ устуворлиги кўзга ташланади. Мазкур мақолада «Дархон» газетасининг бош мақсади – «босмачилик»ка қарши кураш руҳи яққол сезилади. Чунки мақола матнининг ярмидан кўпи чекка-чекка қишлоқлардаги «босмачилик» ҳаракатини сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири билан кейинги тинч ҳаёти ўзаро муқояса қилиниб, унда оддий халқ вакиллари учун қандай қулайликлар юзага келгани борасида фикр юритилади. Мақоладаги воқеалар Бозорқўрғоннинг Мосси қишлоғи вакиллари тилидан баён қилинса, «Адабиёт парчалари»да эса сўзланган воқеалар ёзувчининг тасаввурида қайта жонланиб, унинг тафаккури маҳсулига айланади, яъни қишлоқликларнинг айтган ҳодисалари ёзувчининг қалб призмасидан ўтказилади. Бозорқўрғоннинг Мосси қишлоғида юз бераётган воқеаларга «Дархон»даги мақолада мухбир нигоҳи билан қаралса, «Адабиёт парчалари»да эса ҳар нарсадан инсонни устун қўювчи гуманист ижодкор нигоҳи қаратилганини ҳис қиламиз. Айниқса, қишлоқларда от-уловнинг йўқлиги сабабли

ер ҳайдаш учун ҳайвон ўрнида омочларни одамлар тортаётгани ижодкорга қаттиқ таъсир қилган кўринади. «Адабиёт парчалари»даги матнда табиий равишда бадиий услуб етакчилик қилади.

«Дархон» газетасида босилган мазкур мақола профессор Р.Шамсутдиновнинг «Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб» китобида илк бора транслитерация қилиниб чоп этилгани Чўлпон публицистикасини ўрганишдаги муҳим воқеадир. Аммо ушбу китобдаги матнни аслият билан қиёслаганимизда айрим сўзларнинг ёзилишида матний хатоликларнинг борлиги, мақоланинг график шакллантирилишидаги фарқларнинг мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Масалан, аслиятдаги «жангррр» ва «жунгррр» тақлид сўзи «Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб» китобида «чакиррр» ҳамда «чукуррр» шаклида нотўғри транслитерация қилинган [1. Б. 114–115]. Мақоланинг график шакллантирилишида ҳам аслият билан мос келмаган ўринлар мавжуд. Жумладан, «Дархон» газетасида чоп этилган мақоладаги матн ҳар бири қора, қалин чизиқлар билан ажратилган тўртта қисмдан ташкил топган. Матннинг график шакллантирилиши муайян даражада қўшимча информацияни етказадиган восита ҳам ҳисобланади, яъни муаллиф маълум бир информацияни график шакллантириш орқали ҳам етказишга ҳаракат қилади. «Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб» китобида аслиятда берилган матннинг график шакллантирилиши жуда кўп ўринларда ўзгартирилган ва муаллиф кўзда тутган мақсад ўз ифодасини топмаган дейиш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар, янги аниқланган архив материаллари Чўлпон публицистик фаолиятида қилинадиган ишларнинг кўплигини ва долзарблигини яққол кўрсатиб турибди. Ўйлаймизки, мазкур масалалар келгуси ишларда ўз ечимини топса ажаб эмас.

Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда Чўлпон ижодининг турли йўналишлари қирраларини очиб беришга қаратилган қатор илмий ишлар яратилди. Жумладан унинг «РосТА» ва «Бухоро ахбори» газеталаридаги журналистик ва муҳаррирлик фаолияти бўйича С.Йўлдошбекова тадқиқотлари эътиборга молик. Хулоса ўрнида унинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ кўрилди: «Унинг бутун ижтимоий фаолиятини ёритиб турган машъал ҳам, тимсолли қилиб айтганда, ўз даврининг муҳим ва долзарб муаммоларини кўтариб чиққан публицистик мақолалари бўлди. Журналистик фаолият, публицистик чиқишлар Чўлпонни ижтимоий жиҳатдан тарбиялади, унинг фикрларини, айниқса, миллий-озодлик, мустақиллик, эрк йўлидаги интилишларини, курашларини элга ёйди. Шунинг учун биз ҳақли равишда Чўлпонни XX асрнинг энг кучли публицист ва муҳаррирларидан бири деб биламиз» [21. Б. 3].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, «Дархон» саҳифаларида Чўлпон қаламига мансуб таҳририят номидан эълон қилинган ўнлаб бош мақолалар, 100 дан зиёд имзосиз мақола ва хабарлар, шу билан бир қаторда рус тилидан таржима қилган халқаро аҳвол хусусидаги кўплаб хабар ва тафсилий лавҳалар ҳалигача тадқиқ этилмаган ва ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутмоқдадир.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021–2022 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган).

Адабиётлар:

1. *Шамсутдинов Р*. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 304 б.
2. Суронли йиллардан хотира (Чўлпон ҳақида Исҳоқ Ғозиев билан суҳбат / В.Рўзиматов суҳбати) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 йил 11 декабрь.
3. *Қуронов Д.* Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 336 б.
4. *Каримов Н.* XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
5. *Саид З*. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 208 б.
6. *Султонов А., Абдуллаев Ш.* «Дархон» ҳақида // Коммунист, 1977 йил 27 сентябрь.
7. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА). 90-фонд, 1-рўйхат, 178 рақамли иш, – Б. 33, 156.
8. АВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 229-иш, – Б. 12, 14.
9. АВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 184-рақамли иш, – Б. 1278.
10. АВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 221-рақамли иш, – Б. 314-315, 316, 317-319.
11. Ўқуғучиларимизға // Дархон, 1923 йил 15 август.
12. *Қуронов Д*. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
13. *Каримов Н*. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
14. *Қориев Б.* Адабий тахаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. – № 1. – Б. 51–58.
15. АВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 180-рақамли иш, 573-бет.
16. Кўмак уйқуси // Дархон. 1923 йил 27 июнь.
17. *Акбарзода А*. Бошқармага хат // Дархон, 1923 йил 1 август.
18. АВДА. 90-фонд, 1-рўйхат, 221-рақамли иш, 314-315, 316, 317-319-бетлар.
19. *Қориев Б.* Тилчи. Кенгаш: маориф ишлари тўғрисида // Дархон, 1923 йил 10 август.
20. *Сулаймон А., Зоҳирий А.* Адабиёт парчалари. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926. – 224 б.
21. *Йўлдошбекова С.С.* Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз.диссертацияси. – Тошкент, 2002. – 135 б.

DARKHON NEWSPAPER AND CHULPON'S JOURNALISTIC ACTIVITY

D.Z. Abdullaeva[1], I.A. Madgaziev[2], S.I. Islomova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 59-69.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

[2]State Museum of History and Culture of Andijan Pegion, Andijan, 170100, str. A.Fitrat, 259 (Uzbekistan). E-mail: andmuzey@mail.uz

Keywords: «Darkhon", newspaper, journalism, editor, style, article, archival document, translation, signature, editorial.

The activity of the newspaper «Darkhon", was a unique event in the history of the Uzbek press in the twentieth century. Its importance in the development of our national journalism is the result of the great services of the great writer and poet Abdulhamid Sulaymon oglu Chulpon. Academician N.F. Karimov, professors R.T. Shamsutdinov and D. Kuronov have expressed valuable ideas in their works.

This article deals with the historical process of the establishment of the newspaper «Darkhon", which was the organ of the Andijan Military Revolutionary Committee, its role and importance in the socio-political and cultural life

of that time, as well as Abdulhamid Chulpon's editorial, journalistic and creative activities. referred to. Chulpon's work with the newspaper is analyzed in details through a number of sources - memoirs and memoirs, archival documents and newspaper materials.

Initially, all sources taken as the object of study were classified and described one by one. Memoirs of Ishak Goziev, Bois Qoriev, Abduvali Maqsudi and others, who were living witnesses of that period, testimonies given during the investigation, factual information published in the articles of the periodicals were compared. The newspaper also paid special attention to the content of the newspaper, the content of the topic, which reflects the political, socio-economic problems and cultural life of the period, as well as important aspects related to the formation of an audience of creative journalists.

The article is essential as it contains archival materials, including unique archival documents related to the activities of the newspaper «Darkhon", identified as a result of scientific research in the State Archives of Andijan region, and reflects the activities of Abdulhamid Chulpon, Abdulhay Tadjiev, Bois Qoriev (Altai). A number of historical documents have been used scientifically for the first time.

The article discusses the problems with Chulpon's secret signatures and pseudonyms, the reasons for their use, as well as his unsigned articles published on behalf of the editorial board, the Russian translation of the international situation, and the linguistic and stylistic features of Chulpon's artistic journalism. Special emphasis is placed on textual issues related to his work. As a result of comparative study of all existing issues of the newspaper, a lot of new information about the scientific and creative biography and bibliography of Chulpon was identified and put into scientific use.

References:

1. Shamsutdinov, R. (2018) *Qatag'on qilingan yurtdoshlarni xotirlab* [In memory of the oppressed]. Tashkent: Akademnashr.

2. Suronli yillardan xotira (Cho'lpon haqida Ishoq G'oziyev bilan suhbat / V.Ro'zimatov suhbati) (1987) [Memories from the troubled years (Interview with Is'hak Goziyev about Cholpon / Interview with V.Ruzimatov)]. O'zbekiston adabiyoti va san'ati, December 11.

3. Kuronov, D. (2013) *Mutolaa va idrok mashqlari* [Reading and comprehension exercises]. Tashkent: Akademnashr

4. Karimov, N. (2008) *XX asr adabiyoti manzaralari* [Landscapes of twentieth-century literature]. Tashkent: Uzbekiston.

5. Said, Z. (1974) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. Tashkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti.

6. Sultanov, A., Abdullaev, Sh. (1977) «Darxon»haqida [About 'Darkxon']. *Kommunist*. September

7. Andijon viloyat davlat arxivi [Andijan Regional state archive. (ARSA)]. ARSA. Fund-90, List-1, Folding Volume -178, Pp. 33, 156.

8. ARSA. Fund-90, List-1, Folding Volume-229. Pp. 12, 14.

9. ARSA. Fund-90, List-1, Folding Volume-184. P.1278.

10. ARSA. Fund-90, List-1, Folding Volume-221. Pp.314-315, 316, 317-319.

11. O'qug'uchilarimizg'a [To our readers]. Darkxon. August 15.

12. Kuronov, D. (1997) *Cho'lpon hayoti va ijodiy merosi* [Cholpon's life and creative legacy]. Tashkent: O'qituvchi.

13. Karimov, N. (2003) *Cho'lpon* [Chulpon]. Tashkent: Shark.

14. Koriev, B. (1967) Adabiy taxalluslar haqida [About literary nicknames]. *O'zbek tili va adabiyoti.* No 1. Pp. 51-58.

15. ARSA. Fund-90, List-1, Folding Volume-180. P.573.

16. Ko'mak uyqusi (1923) [Help sleep]. Darkxon. June 27.

17. Akbarzoda, A.(1923) Boshqarmaga xat [Letter to the Board]. Darxon. August 1.

18. ARSA. Fund-90, List-1, Folding Volume-221. Pp. 314-315, 316, 317-319.

19. Koriev, B. (1923) Tilchi. Kengash: maorif ishlari to'g'risida [Council: On Education]. Darkxon. August 10.

20. Sulaymon, A., Zokhiriy. A. (1926) *Adabiyot parchalari* [Fragments of literature]. Tashkent: O'zbekiston davlat nashriyoti.

21. Yuldashbekova, S.S. (2002) Cho'lponning publitsistik va muharrirlik faoliyati [Cholpon's journalistic and editorial activities]. Dissertation for the degree of Candidate of Philological Sciences. Tashkent.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Абдуллаева Дилдорахон Зумратбековна – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти. E-mail dildora.abd@mail.ru

Мадгазиев Искандаршоҳ Абдувосит ўғли – Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими. E-mail: madgaziev93@mail.ru

Исломова Соҳиба Исмоилжоновна – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси. E-mail: islomova@mail.ru